

Қонун ва ижро

Назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Тошкент вилояти назорат идоралари томонидан 2001 йилнинг биринчи чорагида текширишлари мувофиқлаштириш ажулари ва бу ишни иккинчи чорада такомиллаштириш вазифалари кўриб чиқилди. Йиғилишни вилоят ҳудудий комиссияси раиси, вилоят ҳокими Умнат Мирзақуллов бошқарди.

Комиссия раисининг ўринбосари, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи М.Комилонинг ахбороти ва нотикларнинг нутқларида таъкидланганидек, ўтган муддатда ҳўжалик субъектлари фаолиятини текширишни янада тартибга солиш, текширишлар миқдорини камайтириб, самарадорлигини ошириш, бир ишда бир-бирини такрорлаш ҳолатларини бартараф этиш натижасида корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятига аралашувлар камайиб бормоқда. Бугунги кунда 10 мингдан ортиқ ҳўжалик субъектида «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» юритилляпти. Текширишларни тартибга солишга қаратилган қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашда шахар ва туман ҳудудий комиссияларининг назорати жонлангилмоқда.

Лекин қонунларнинг бузилиш ҳолатлари ҳамон ўз бермоқда. Қўнончи, ўтказилган ялли текширувларнинг 54 фоизиди қонунлар

лар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қўноннинг 6-моддасига биноан мансбдор шахслар шаҳодат синовида ўтказилиб, 176 ҳодимга текширишларни ўтказиш ҳўқуқи берилди. Кейинги бир йилда бошқарма ҳодимлари текширишлари мингтага камайди. Шу йилнинг биринчи чорагидан эса бу қўрсаткич ўтган йилнинг шу муддатидагидан 293тага қискарди. Ёнгиндан химоялаш қоидаларини бузган мансбдор шахсларга 3

ҳануз махсус шаҳодат синовида ўтказилмаган. Бинобарин, 19та ҳўжалик субъектида текширишлар бундай ҳўқуққа эга бўлмаган ҳодимлар томонидан амалга оширилган. Текширувлар режасига амал қилинмайди, улар сабабсиз қолдириб юборилади. Улар қонунда кўзда тутилган тарзда расмийлаштирилмасдан ўтказилади.

Аҳвол биринчи чорада ҳам ўзгаргани йўқ. Қўнончи, Паркент туманидаги «Хамкор» акциядорлик жамияти ва Тошкент туманидаги давлат бўрдоқчилик жамоа қорхонасидаги текширишлар инспекция раҳбарининг бўйруғисиз ташкил қилинди.

Ташкилотда ҳатто, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қўнони ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар ҳам ҳануз тузилмаган.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги махсуслотларни тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекцияси текширишларни ташкил этишда амалдаги қўнончилик талабларига тўлиқ риоя этилиши таъминламаганлиги, текширишлар самараси пастлиги таъкидланди. Давлат инспекцияси бошлиғи А.Бозоров ишдаги камчиликлар учун жиддий оғохлантирилди ва мавжуд нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш талаб қилинди.

Ҳудудий комиссия йиғилишида, шунингдек, бошқа масалалар ҳам кўрилди. **Жўрабек МУРОДОВ.**

ҳануз махсус шаҳодат синовида ўтказилмаган. Бинобарин, 19та ҳўжалик субъектида текширишлар бундай ҳўқуққа эга бўлмаган ҳодимлар томонидан амалга оширилган. Текширувлар режасига амал қилинмайди, улар сабабсиз қолдириб юборилади. Улар қонунда кўзда тутилган тарзда расмийлаштирилмасдан ўтказилади.

Аҳвол биринчи чорада ҳам ўзгаргани йўқ. Қўнончи, Паркент туманидаги «Хамкор» акциядорлик жамияти ва Тошкент туманидаги давлат бўрдоқчилик жамоа қорхонасидаги текширишлар инспекция раҳбарининг бўйруғисиз ташкил қилинди.

Ташкилотда ҳатто, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қўнони ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар ҳам ҳануз тузилмаган.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги махсуслотларни тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекцияси текширишларни ташкил этишда амалдаги қўнончилик талабларига тўлиқ риоя этилиши таъминламаганлиги, текширишлар самараси пастлиги таъкидланди. Давлат инспекцияси бошлиғи А.Бозоров ишдаги камчиликлар учун жиддий оғохлантирилди ва мавжуд нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш талаб қилинди.

Ҳудудий комиссия йиғилишида, шунингдек, бошқа масалалар ҳам кўрилди. **Жўрабек МУРОДОВ.**

ДАВРА СУҲБАТЛАРИ

Оҳангарон туман ҳокимлиги, ёшлар ташкилоти, туман ички ишлар бўлимининг балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўлимида биргаликда ёшлар тарбияси билан боғлиқ бўлган турли тадбирларни изчил олиб бормоқдалар. Яқинда «Бир-

лик» фуқаролар йиғини ҳудудидидаги мактабларда республикамиз мустақиллигининг ўн йиллиги, «Биз кимиз?» тероризм ва унинг ҳўнўқ оқибатлари ва бошқа ўнга яқин мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди.

Муқаддас АЛИЕВА.

Қишлоқ ва ислоҳот

ШИРКАТ ВА МАНФААТ

Яқинда Тошкент туманидаги боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган Абдурахмонов номли ширкат ҳўжалигида бўлдим. Лекин мен борган маҳалда раиснинг қабулхонасида одамлар кўп эди. Улар навбатни билан бошлиқнинг олдида кириб, ишларини битириб чиқиб кетишди. Шундан сўнг раисга учрашдим. Мақсадни айтдим.

— Муаммолар кўпайиб қолибди-да, — дедим ҳазиллашиб.

Раис нима демокчи бўлганлигини тушунди.

— Буни ҳаёт дейдилар, — Абдурахим ака бироз тин олди. — Иш бор жойда камчилик, ташвиш бўлади-да! Лекин уларни иложи борида ҳал қилиб бериш, дехқонларга қўлдан келганча ёрдам кўрсатиш бизнинг бурчимиз. Шунда уларнинг юқорига бориб, идорама-идора юришларига ҳўжат қолмайди! Қолаверса, ҳаётнинг ўз қонунини, ўлчовини, мезонини бор. Ҳар биримиз унга амал қилмас, ютказмаймиз.

— Яхши гап очдингиз, — дедим суҳбатни давом эттириб. — Бозор иқтисоди шароитида, табиийки, ҳўжалиқнинг фаолиятига баҳо беришнинг мезонини ўзгартириб кетди. Шундай эмасми?

— Тўғри айтасиз, — дейди раис, — ҳозирги пайтда мезон — бу моддий манфаатдорлик билан белгиланади.

— У ҳолда ҳўжалиқнинг ширкат усулига ўтиб ишланганлиги айни муддао бўлибди-да.

— Аввало биз бу усулнинг амалда ишлаганига эришиш учун икки томонлама тузилдиган шартноманинг шартлари бекам-қўст бажарилишига эришмоқдамиз. Шунинг учун бўлса керак, пудратчи, ширкатчи дехқонлар ўзларини чиндан ҳам ернинг ҳўжайини, эгаси деб ҳис қила бошладилар. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ширкат усули дехқонни саводли қилиб қўйди. У ҳисоб-китоб билан иш юритишга одатланди. Бу усулда ғирромлар, дангасалар, лоқайдилар ўз-ўзидан яқкаланиб қоладилар. Чўнки, белини оғиртмасдан нон евоқчиларга ўрин бўлмайди.

Ҳар бир пудратчининг ўз ҳисоб рақами, қўлида эса чек дафтарчаси бор. Қилинадиган сарф-харажатларни миридан-сиригача ҳисоблаб ёзиб боради. Қанча сифатли иш қилиб, иқтисод қилса, қанча кўп махсуслот етиштирса, таннархини арзонлаштирса қўрадиган манфаати, оладиган даромади ҳам шунга яраша юқори бўлади. Гап қўруқ бўлмаслиги учун бир мисол келтирай.

Олайлик, пудратчи Улўбек Рустамов. У уста боғбон. Шартномадан ташқари ҳўжаликка 840 минг сўмлик винобон узум топширди. Агарда бу пулга меҳнат ҳақига оладиган маблағини ҳам қўшиб ҳисобласак, 2000 йилда 1 миллион сўмдан ортиқ даромад қилди. Бундай пудратчи-ширкатчи оилалар бизда жуда кўпчиликни ташкил этади.

— Шунга яраша ҳўжалиқнинг умумий даромади ҳам мўмай бўлгандир?

— Жилгалар қўшилиб, дарёларга айланди. Ҳўжалик майдони унча катта эмас. Салкам 500 гектарни ташкил этади. Шундан 100 гектариде мева, 100 гектариде узум, 80 гектар майдонда эса буғдой етиштирамыз. Ана шу очик даладан ўтган йилги 123 миллион сўмлик махсуслот сотди. Агарда буғға чорва учун етиштирилдиган махсуслотларни ҳам қўшиб ҳисобласак ва пулга қақсак 150 миллион сўмга етади. Демак, ҳар бир гектар ердан олинган даромад 300 минг сўмга тўғри келмоқда. Соф даромад эса 27 миллион сўмга етди.

— Пудрат усулида ширкат аъзоларига дивиденд берилиши ҳам қўшимча фойда келтиради.

— Бу турган гап, — дейди раис, — соф даромад ҳисобидан мактаб, поликлиника қурилиши ва бошқа ободончилик ишларини амалга ошириш учун фойдаланмоқдамиз. Шуни ҳисобга олиб ширкатчиларнинг умумий йиғилишида пудратчи ишлар топан ҳар бир сўми ҳисобига 20 тийиндан дивиденд беришга қарор қилинди. Бу камроқ, албатта. Лекин пай улуси кўп бўлганлар, албатта, катта манфаат қўрадилар. Масалан, пудратчи Равшан Эргашевнинг пай улуси 335 минг сўмни ташкил этади. Ҳар сўмига 20 тийиндан ҳисоблаганда у 70 минг сўм дивиденд олди.

Олинган даромад аввалги йиллардагига қараганда анча юқори. Келгусида соф даромад кўпайиб, дивиденд пули ҳам кўпроқ бўлади, деган умиддамиз.

— Бунинг учун нима қилиш керак?

— Очиги, — дейди раис, — ўтган йили биз махсуслотни айтарли қимматга сота олмадик. Бу бизнинг айбимиз, ташкилий ишларда камчиликларга йўл қўйилди. Келгусида бундай нуқсонларга барҳам бериб, даромадини ошириш учун махсус дастур ишлаб чиқдик.

— Бу дастурнинг моҳияти нимадан иборат?

— Гап шундаки, боғларимизда етиштирилаётган мева-фруктларнинг кўпи хариддоригир эмаслиги маълум бўлиб қолди. Шунинг учун боғ ва тоқзорларда ҳам ислотларни амалга ошира бошладик. Нокзор, гилосзорларни кўпайтирамиз, олўриларни ҳам қўлайимиз, саралаймиз. Ўтган тўрт йил ичида бу соҳада бирмунча ишлар амалга оширилди. Мана, бир мисол. Майсара навли олўрининг бир гектаридан 200 минг сўм даромад олинса, япон олўриси 800 мингдан 1 миллион сўмгача даромад беради. Чўнки, унинг ҳосили нийоятда кўримли, мазали, ширали. Бунинг устига узок йўлга ташиб кетсангиз ҳам уринмайди. Ана шунақа олўри навидан 40 гектар ерда янги боғ ташкил этилди.

Узумзорлар ҳам янгиланмоқда. 30 гектар ерга узумнинг хариддоригир: нимранг тоифи, ҳўсайни ва сифатли винобон махсуслот берадиган узум навларини эдик.

Қолган 30 гектар боғ ва тоқзорларни ҳам уч йилда янгилаймиз.

— У ҳолда дала ва боғларда хариддоригир ҳамда сифатли махсуслотларга кўз олайтирувчилар, уни қизганувчилар қилиб қолмасмики?

— Бизда шартнома қўнончи қўнға эга. Шу асосда иш юритилган, белгиланган миқдордаги сифатли, сара махсуслотларни пудратчиларнинг ўзлари, ўз вақтида икки қўллаб олиб келиб топширадилар. Чўнки қанча кўп топширсалар, шунча кўп манфаат қўрадилар. Ҳаттоки, бозорга олиб чиқиб сотишларига ҳам ҳўжат қолмайди. Даромадлари юқори бўлишига ишончлари қўмил. Шу дала, шу ер, шу боғ, шу мевазор, узумзорнинг эгаси пудратчи, ширкатчининг ўзи. Унга қоровулининг ҳам кераги йўқ. Ҳавотирланмиш учун асос йўқ. Ўзи тер тўкиб етиштирган махсуслотини ўзи асрайди, қантдек қилиб ҳўжаликка топширади. Ширкатнинг ҳосияти, афзаллиги ҳам шунда. Бу ҳўжалиқимизда табиий ва одадтий ҳолга айланиб қолди.

— Боғдорчилик-мевачиликдаги ишлар юқоқилиб бораётгани яхши. Ҳар гектаридан 40 центнерга етказиб қалла ҳўсийли олинаётганлиги — бу дехқон маҳоратиға далил. Лекин кейинги пайтларда ҳар бир ҳўжалик ўзининг қорвачилик фермасига ҳам эга бўлганига нима етсин, деган исак, талаблар қўйилмоқда. Билишимча, сизлар жамоатчиликнинг талаби билан бундан уч йил илгари ҳўсийлаштириб олингандан сўнг иққирозға учраган фермани қайтариб олднгилар.

— Биласиз, қорвани қайта тиклаш ва аввалги ҳўлиға келтириш кўп вақт талаб этади. Ана шу машаққатни енгиш учун қўллашиб, биргаликда, фаолларнинг, тажрибақорларнинг мададиға таъйин иш олиб боряпмиз. Ҳозир фермаимизда мол бош сони 220тадан ошди. Шундан 50таси соғин сугир. Лекин биз уларнинг зотини яхшилашмиз керак. Ўзоғи билан уч йилда қорвани ҳам ўнглаб, илғор фермалар каторига олиб чиқиб ниятдаимиз.

Ўша кўни ҳўжалик раҳбари билан дехқонларнинг, пудратчиларнинг турмуш шароитини ҳар жиҳатдан яхшилаш, ҳўжаликда маданий-маиший ишлар қўламини келгайтириш, дехқонларга ҳизмат кўрсатиш, уларнинг юмушини енгилаштириш — қисқаси ширкатчининг ўз меҳнат самарасидан манфаатдорлигини ҳар жиҳатдан ошириш юзасидан узок суҳбатлашдик, фикрлашдик, баҳслашдик. Шунда қарда меҳнатқашнинг меҳнати қадр топса — белгиланган режа ва йўларнинг амалга ошиши осон бўлади, деган ҳўлосаға келдик.

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

«ИНТИЛИШ»
ИНТИЛМОҚДА

Оҳангарондаги ҳўсий фирмалардан бириға шундай ном қўйилган. Уни тадбиркор чевар Гавҳар Болтаева барпо этган.

Унда бор-йўли етти нафар тикувчи ишлямоқда. Лекин, бу кичик жамоа шахардаги қатор саннат корхоналарининг буюртмаларини бажармоқда. Уларға корхоналар, стуллар, гиллофларни ва бошқа шу каби буюмларни тикиб беришляпти.

Лекин, фирма фаолияти шу билан чекланиб қолмайпти. Бу ерда турли касбларни ўргатиш бўйича қисқа муддатли ўқувлар ҳам ташкил этилган. Ҳозиргача шу ерда таълим олганлар сони 62 кишиға етди. Улар шахар аҳолисига сартарошлик, тикувчилик, зардўзлик, ҳамширалик, қандолатчилик касблари бўйича ҳизмат кўрсатяптилар. Фирма жамоаси ўз дўконини очишға тайёргарлик кўрмоқда. Бу ерда меҳнатнинг қасаначилик шаклини жорий қилиш назарда тутилляпти.

Ўз мухбиримиз.

ИЖОДКОРЛАР
БИЛАН
УЧРАШУВ

Вилоят «Тўрон» уни-версал кутубхона-сида «Жаҳон адабиёти» журналин ижодкорлари билан китобхоналар учрашувини бўлиб ўтди.

Кечада «Жаҳон адабиёти» журналин ташкил топиш тарихи, босиб ўтган йўли, шунингдек, бугунги кунда амалга ошираётган ишлари ҳақида журнал бош муҳаррири Озод Шарофидинов батафсил сўзлаб берди.

Йиғилганларни қизиқтирган саволларға тахрират ҳодимлари тўлиқ жавоб қайтардилар. Бўлиб ўтган учрашув бахс-мунозар ва қўтилмаган фикр мунозаарларға бўлиб бўлди.

Ўз мухбиримиз.

ТУМАН УЧУН ТИББИЙ АСБОБЛАР

Паркент тумани марказий шифохонасига инсонларварлик ердами сифатида бир неча миллион сўмлик ноёб тиббий асбоб-ускуналар топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишда жарроҳлик, травмотология муолажалар, наркоз беришда ишлатиладиган бу хорижий ускуналар туман аҳли

учун бебаҳо тўхға булганлиги таъкидланди. Туман ҳокими Мирзамашраб Қўчиев, шифохона бош шифокори Миржабил Абдуллаев, «Заркент» ширкат ҳўжалиги раҳбари Тожибой Ризаев ва бошқа сўзға чиққанлар бу қимматли ёрдам ташкилотчиларига самимий миннатдорчилик билдирдилар.

Ўз мухбиримиз.

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС
ЭТИБ ИШЛАЙЛИК

миссияларнинг фаолияти ҳануз талаб даражасида эмас. Бир қатор туман ва шахарларда ҳудудий комиссиялар фаолиятида тўла ошқораликка эришилмаяпти.

Бу масала юзасидан қабул қилинган қарорда тегишли бошқарма бошлиқларидан мавжуд камчиликларни бартараф этиш талаб қилиниб, режадаги текширишлар тўла ўтказилмагани кўрсатилди. Асосий эътибор текширишлар комплекс ва ҳолисона ўтказилишиға қаратилди.

Йиғилишда вилоят ички ишлар бошқармасининг, ёнгиндан сақлаш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлиналарида текширишлар самарадорлигини ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

«Хўжалик юритувчи субъект-

миллион 112 минг сўм жарима солинди. Биринчи чорадаги текширувлар самарадорлиги 86,5 фоизни ташкил этди.

Бирок, бу муҳим ишда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Текширишлар тартибини бузиш ҳоллари юз бериб турибди. Чўнончи, Зангиота туман ёнгиндан сақлаш бўлими томонидан «Энергетик» акциядорлик жамиятини текшириш муддатига риоя қилинмаган. Бундай ҳолатни «Гунафша» савдо маркази ва «Давлат» фермер ҳўжалигига нисбатан муносабатда ҳам қўзатиш мумкин.


Ўртачирчик туманида ҳамон режасиз, қисқа муддатли текширувлар ўтказилмоқдаки, бунинг ишға фойдаси йўқ ҳисоби. Чирчик шахар ёнгин-

ларига ёғишмай риоя қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳудудий комиссия йиғилишида, шунингдек, вилоят махсуслотларни тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекцияси томонидан текширишлар тартибига солишнинг аҳоли қўриб чиқилди. Мўҳокама чоғида шу нарсга жиддий эътироз тўғдирдики, Президентнинг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш тартибига солиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қўнони талаблари мазкур инспекция томонидан тўла ҳажмда бажарилмаёттир. Мансбдор шахслар

АКЦИЯДОРЛАР

Кўмир қонлари, олтин қазиб чиқариш заводи, йўлларни қурувчи ва таъмирловчи, қўрилиш ташкилотлари, қатор бинокорлик ашёлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, нон ва ун заводлари, ҳўсий тадбиркорлик тузилмалари... Бу рўйхатни аяна давом эттириш мумкин. Уларнинг ҳаммаси Ангрендаги 72-автомобза жамоаси ҳизматидан фойдаланадиган миқозлар. Бундан ярим асрча илгари барпо этилган бу транспорт қорхонаси уларнинг узогини яқин, оғирини енгиш қилиш билан шуғулланмоқда. Базадаги автомобилларнинг ҳар бири 10 тоннадан 30 тоннагача юк кўтариш қувватига эга. Шундай қудратли автотранспорт воситасини бошқараётган қорхона жамоаси ҳар кўни буюртмачиларнинг минглаб тонна турли-туман юкларини белгиланган манзилларга етказиб бермоқда.



йилни ҳам дуруст бошлади. Республикаимиз мустақиллигининг 10 йиллиги шарафига ҳизмат қўлаи ва маданиятининг янада оширишга астойдил бел боғлаган транспортчиларнинг ўтган икки ой иш натижаси кўнгилдигдек бўлди. Буюртмачиларнинг 288 минг тонна ҳажмидаги ҳар хил юкларни ташиб берилди. Олинган сўми даромад 56 миллион сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичлардан анча ортиқдир.

Қорхона маъмурияти ўз сағига 265 нафар ишчи-ҳизматчини бирлаштирган жамоани иқтимоий муҳофаза қилишни кўчайтиришга доим катта эътибор билан қарамоқда. Олинган фойдадан муайян қисми шу мақсадға сарфланмоқда. Шу тўғрисида ҳам бу ерда дўкон ишлаб турипти, кўп тармоқли ҳизмат кўрсатувчи шахобча

барпо этилган.

«Оналар ва болалар йили»да қорхонада меҳнат қилаётган хотин-қизлар учун иш вақти бир соатга қисқартирилди. «Оналар бурчаги» ташкил этилди. Оналар ва уларнинг фарзандларини тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилди. Болаларнинг дам олишини яхшилашға қаратилган чора-тадбирлар белгиланди ва уларни амалга оширишға киришилди. Аёлларга жорий йилнинг ўтган даврида 330 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Оталикдаги мактаб, болалар боччаси ва маҳаллаларға ҳам ҳар томонлама қўмақлашляпти.

Лама яқинда яна бир хайрли ишға қўл урди. Рес-

публикаимиз мустақиллигининг ўн йиллиги шарафига оромгоҳ барпо этишни бошлаб юборди. Икки гектар ер майдонига эга бўлган бу маскан жорий йилда ишға туширилади. Бундан ташқари, қатор спорт иншоотлари, жумладан теннис корти, волейбол майдони ва бошқа шу каби соғломлаштириш масканлари бўлган бутун бир спорт шахарчаси барпо этилади. Ишчи-ҳизматчиларға ҳизмат кўрсатувчи сартарошхона, қосибчилик устанонаси ҳам ишға туширилади. Уларнинг ҳаммасини мустақиллигининг ўн йиллиги қўлуғ санасига қўриб битказиш режалаштирилган.

Собир ҲАМИДОВ.

СУРАТЛАРДА: қорхонанинг илғор таъмирловчилари отабора Раҳим ва Шоҳобиддин Эшматовлар автомашина девизетини созламоқдалар; илғор ҳайдовчи Раҳматжон Сафаров. Даврон АҲМАД олган суратлар.

«ЧАШМА» ИШ БОШЛАДИ

Қибрай туманидаги «Оққовоқ» қишлоғининг «Ёйлик» маҳалласида «Чашма» экология ва саноатлик клуби иш бошлади.

Унинг ташаббускори ва ташкилотчиси — 3-урта мактаб ўқитувчиси Людмила Қошпопова саъй-ҳаракатлари туяфайли клуб аъзолари маҳалла фаоллари би-

лан ҳамкорликда «Экологик мусаффо қонадон» танловини ўтказишди. Шу билан биргаликда қишлоқ ҳудудиде атроф муҳит мусаффолигини асраш борасида ҳам амалий ишлар режаси тузилиб, турли тадбирлар уюштиришға келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз.

«ШАРАФ-75» СИНОВДАН ЎТДИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар биологияси институтининг бу гуруҳ олимлари излавиши махсуси бўлган «Шараф-75» янги гуза нави ўзига кенг йўл очмоқда.

Бу истиқболли нав пахта толаси узун ва ингичка бўлиб, серҳосиллиги билан ажралиб туради. У Юқориқирчиқ давлат

нав синаш станциясидаги синов жараёнидан яхши ўтди. Ўсимликлар навлари давлат реестри рўйхатида қайд қилинган «Шараф-75» гуза нави учун унинг ижодкорларига республика давлат патент идораси томонидан махсус ҳўжат топширилади.

Ақбар АЛИЕВ.



КАДР ВА МЕҲРГА КЎЗГУ ХОТИРА

ЯШАЙВЕРИНГ ЭНДИ, ОТАЖОН

Ҳаёт бизга туҳфа этилган неъмат
Ундан баҳра олиб юрайлик фақат
Инсонни қадрлаб яшайлик, дўстлар,
Умр ҳам, инсон ҳам ахир ғанимат.

Азиз замондошим, сувдай оқиб кетгучи бу умрни кўп гапираму ҳаётнинг гултожи бўлиш инсон деган зотнинг ҳам бу дунёга омонат эканлигини кўпинча унутиб қўямиз. Яқин кишиларимиздан ажралиб қолган, уларни ҳаётлигида қадрлаб яшай олмаганилигимиздан афсусу надомат чекамиз.

Орамызда яшаётган табаррук инсонларнинг ҳурмату эҳтиром кўрсатиб, олтиндан қиммат дуоларни олиб юриш эса биз учун бахтдир.

Халқимизда: «Қари билгани пари билмас» деган нақл бор. Кўпни қўрган улуг инсонларимизнинг ҳаёт йўли биз учун ҳар жиҳатдан ибратлидир. Отажоним Олимхўжа Ортиқхўжаев бу йил 83 баҳорни қаршилади. Онам билан 52 йилдан буён умргузаронлик қилиб келишмоқда.

Ҳозир улар фарзандлари ва набиралари даврасида бахтли ҳаёт кечирмоқдалар.

Ҳар гал Хотира ва Қадрлаш кўни яқинлашгани сари кўнглимни ҳислар чулғаб олади.

Отажонимдан мозийда, йиллар қаёрида қолиб кетган хотиралари ҳақида сўрайман.

Отажоним оғиргина ҳўрсиниб сўз бошлайди: «Аввало, тинчлик бўлсин экан. Ёшлигимни эсласам, халқ бошига тушган оғир кунлар ҳақида уйлайвераман. Айниқса, иккинчи жаҳон уруши йилларидаги воқеалар кўз олдимга келаверилади».

Дарҳақиқат, отам О.Ортиқхўжаев қонли уруш кунларини кўрган. Урушнинг шиддатли дамларида - 1942 йил июль ойларида фронтга жўнаган. Отам биринчи жангда 121-дивизия таркибиде бўлиб, Воронеж химояси учун бўлган жангда қатнашди. Ушанда урушнинг энг авжига чиққан пал-

ласи бўлгани ва қурол-ярғоқ етишмаслиги сабабли уларни жанг майдонидан олишга мажбур бўлишган экан. Отам уруш йилларида уч мартаба яраланган. Белградни фашистлардан озод этишда бошидан, Варшава учун бўлган жангда ўнг елкасидан яраланган, Курскда эса - оёғидан... Уйлаб кўрсам ёмғирдек ёғилиб турган ўқлар ичидан ўтиб, сапёрлар сафиде бориш, гўё ўлим билан юзма-юз бўлиш экан.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг отам «Жасорат» медали билан тақдирландилар.

Отам оналарини эслаб, бир воқеани кўп бора ёдга олади. «Мен 1945 йилда Ватанга қайтганимда фронт ортида хизмат қилаётган Яллама қишлоғи анча оғир ахволда эди. Онамнинг ёлғиз ўғли бўлганим учун фронтга кетганимдан сўнг айрилиқдан онамнинг кўзлари кўрмай қолган экан. Бахтли тасоифни қарангки, онам мени бағриларига босганда тўккан секин ёшлари билан Аллоҳ онамнинг кўз нурини яна қайтарди. Бу мўъжиза 1945 йил 9 май арафасида юз берган эди.

Отажонимга узоқ умр тилайман, дилдаги сўзларим шёвр бўлиб оқ қоғозга ёзиллаверди.

Сиз кўрингиз қонли кунларни ўтказдингиз жангда туларни Деярси урушини хотирлаб: «Кўрмайди бағри бутунларини».

Мана ўша кунлар ҳам ўтди. Неча-неча инсонлар кетди, Шундай обод, озод кунларга Сиздек табаррук зотлар етди.

Гулбаҳор
Ортиқхўжаева.

ЖИГАРИСТОНЛИКЛАР ЁДИ

Жигаристон фожеаси ҳамон халқимиз қалбини ларзага солади. Ўша мудҳиш воқеа оқибатида 54 нафар киши дунёдан бевақт кўз юмди. Унлаб уйлар вайрон бўлди.

Лекин, давлатимиз Жигаристон қишлоғи аҳолисини табиий офат қаршида ёлғиз қолдирмади. Дарҳол ёрдам қўлини чўзди. Қисқа вақтда янги Жигаристон қишлоғи барпо этилди, унинг аҳолиси янги, замонавий турар-жойларга кўчиб қирдилар.

Бу фожеада ҳалок бўлганлар хотираси ҳар йили нишонланади. Қуни кеча эса унинг ўн йиллигини хотирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда бу ердаги биродарлик қабристонига қўйилган хотира ёдгорлиги пойига виллоят ҳокимлиги номидан виллоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ. Асатов гулчамбар қўйди. Шўнингдек, Ангрен шаҳар ҳокимлиги, шаҳар директорлар кенгаши, жамоатчилик номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

«ХОТИРОТГА ПАРВОЗ ЭТ, КЎНГИЛ»

Зангиота туманидаги «Эркин» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган 40-мактабда Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишланган адабий-бадий кеча бўлиб ўтди.

Ўқувчи ва китобхоналар томонидан тайёрланган жанговар сахна асарларидан кўринишлар, хўшқин шеърлар ва мунис қўшиқлар зални тўлдириб ўтирган уруш ва меҳнат фахрийлари дилини хушнуд этди. 8-тармоқ кутубхонаси жонқуярлари томонидан тайёрланиб намойиш этилган «Уларнинг жасорати мангу» китоблар кўргазмаси ҳам йиғилганларда илиқ таассурот уйғотди. Сўзга чиққан фахрий отахонлар ўзларининг қуролдошларини эсладилар, ўқувчи ёшларни озод Ватанимизнинг келажаги учун билим олишга, меҳнат қилишга чақирдилар.

Туманининг «Наврўз» жамоа хўжалигидаги 15-мактабда ҳам «Боболар хотираси мангу» номи остида катта учрашув оқшоми бўлиб ўтди. Ўқувчилар маҳалладошлари, қишлоқдошлари бўлган отахонларга, онахонларга гуллар тақдим этдилар. Собит Асомов номли қизикчилар гуруҳи эса, ўзининг чиқишлари билан учрашувга фойиз эга эди.

Элбек ТУЛАГАНОВ,
Наргиза ИСМОИЛОВА.

ФАХРИЙЛАР ҚАДРЛАНДИ

Пскент туманида пиллачилик соҳасида узоқ йил меҳнат қилган фахрийлар учун 9 май – Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан байрам дастурхони ёзилди.

Хайрия тadbирига виллоятнинг барча туманларидан 60-70 нафар кекса пиллакорлар тақлиф этилди. Байрам тантаналарида туман ҳокими ва ўринбосарлари, хўжалик раҳбарлари иштирок этдилар.

Бир пилла чой устида давом этган самимий суҳбатлар чоғида тадбир қатнашчилари ўтганлар хотирасини ҳурмат билан ёдга олдилар.

Хотира маросимида мамлакатимизда пиллачиликнинг ривожига катта ҳисса қўшган кекса пиллакорлардан 25 нафарига Ўзбекистон Президентининг 375 минг сўмликдан зиёд байрам совгалари топширилди.

Фахрийлар номидан сўз олганлар бундай ғамхўрлик ва ҳурмат-иззат учун Ўртбошига самимий миннатдорчилик изҳор этдилар.

Ўз мухбиримиз.

БУГУН БАЙРАМ

Ҳамида бувининг тушида марҳум аскар эрининг айтганлари

Бугун янги кўйлагингни кий,

Бугун орзу қилинган байрам.

Кўй, жонгинам, ўзга шини кўй,

Юр, қувончга чулғанди олам.

Ўз юртимни соғиниб, билсанг,

Ўзга юртда тўқилди қоним.

Кўлда қурол, дилимда ҳарчанд,

Гуллар эди Ўзбекистоним.

Ҳилпирайди мовий байроқлар,

Кўчаларда сукунат-сурон,

Кўз-ёшлардан ҳўлдир ёноқлар,

Хотира бахт, хотира армон.

Соғинч ўтди, ўтди жонимдан,

Ўрзулайин ўзим бошимда.

Ўлди дебди мени ғанимлар,

Ўлмас бўлиб келдим қошигнга.

Хотирангда қолсам ҳам шукр,

Жисмим йўқдир, исмим барҳаёт.

Ойда, йилда номимни зикр –

Этсанг менга энг азиз баёт.

Менку ўттиз ёшимда қолдим,

Оталардан катта болалар.

Жон-жонингга сингиб йўқолдим,

Битсин энди ҳасрат, нолалар.

Болаларни турғаз, жонгинам,

Оломонга қўшилсин улар.

Қайда, қани, кичкинтой эркам,

Чашмадайин жўш урсин улар.

Бошигнда нур сочган қўёш – мен,

Менман ўша энг яхши кунинг.

Сендаги чўнг собит, бардош – мен,

Менман мудом ҳаёт устунинг!

Тур, турақол, ортда қолмайлик,

Ўлмасларнинг кўриги бугун.

Югурайлик, асло толмайлик,

Юраклардан ечилсин тугун.

Қани, атлас кўйлагингни кий,

Бугун орзу қилинган байрам!

Кўй, жонгинам, кўз-ёшингни кўй,

Юр, қувончга чулғонгиз сен ҳам!

Темур УБАЙДУЛЛОВ.



СУРАТДА: «Нуроний» жамғармаси Янгийўл туман кенгашининг раиси Ширин Алиқулова уруш қаҳрамони Абдулла Қурбоний байрам билан қўтламоқда.

Нуъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

АЖОЙИБ ИНСОН ЭДИ

Биз кўпинча унга Ёгамберди Абдуллаевич ёки Ёгамберди ака деб мурожаат қилардик. Гап орасида «сиз чорвадорларнинг отасисиз», деб қўшиб ҳам қўярдик.

У бўлса «жуда ошириб юбордингиз-да» деб мийиғида қулиб қўярди. Аслида Ёгамберди ака ана шундай эъзоз, ҳурматга лойиқ инсон эди. У билан қишлоқ хўжалик техникумида бирга таҳсил олганлигим, илм олишга чанқоқлигининг, босиқ ва вазминлиги билан бошқалардан ажралиб турганлигининг гувоҳи бўлганлигим учун ҳам бу гаплари и ишонч билан, дадил айтмоқ зман.

Зотан, у ўқишни ҳам аъло баҳолар билан битириб чиқди. Ўзи туғилиб ўсган собиқ «Ўзбекистон 40 йиллиги» жамоа хўжалигида мутахассислиги бўйича фаолият кўрсата бошлади. Тез орада чорвачиликка меҳр қўйганили, соҳанинг устаси ва билимдони бўлганлиги билан танилди. Шўнинг учун ҳам туманда бош зоотехникликка тақлиф этилди. Бу ишни ҳам масъулият билан бажарди, ҳурмат, обрў орттирди.

Ёгамберди ака туманда, қолаверса, виллоятда ҳам чорвачиликнинг ривожланишига, махсуддорлиқнинг орттишига муносиб ҳисса қўшди. Ҳидоят Абдуллаев, Мунаввар Исоқова сингари дондор чорвадорларнинг етишиб чиқиши, меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлишда унинг ҳиссаси бор, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Ёгамберди Абдуллаевич туманимизда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раисининг чорвачилик ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаганида катта ташкилотчилик кўрсатди. Фермаларда ташкилий ишларни йўлга қўйиш, моллар зоти-ни яхшилаш, махсуддорлигини ошириш, насл олишда салмоқли йутқуларга эришишда унинг кўмаги, амалий маслаҳатлари жуда қўл келди.

Унинг чорвачиликдаги ишларини янада яхшилаш юзасидан кўнглига тугиб қўйган режалари, орзулари бисёр эди. Аммо бевақт ўлим бу режаларни охирига етказишга имкон бермади. Яхшидан бог қолади деганларидек, Ёгамберди Исмаиловнинг ақли, хушли, эл ишига фидойи фарзандлари, шириндан-шакар набиралари қолди. Улар оталари йўқлигини билинтирмай, эъзозлаб келмоқдалар.

Қурбон ҚАЮМОВ,
Тошкент тумани қишлоқ хўжалик махсудотларини тайёрлаш ва сифати бўйича давлат инспектори.

Тошкентнинг Мустақиллик майдонидаги Хотира хиёбонида иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида она Ўзбекистонимизни дилга жо қилиб, ёвуз босқинчиларга қарши қаҳрамонларча курашиб, ҳалок бўлган ва ҳоклари ўзга мамлакатларда қолиб кетган фидойи ватандошларимизнинг руҳи поклари баҳор нафаси билан бирга юз-кўзимизни сийпалаб ўтади.

Хиёбондаги шахидлар рўйхатини кўздан кечи-раман. Қаламқаш ҳамкасбларим мен билан Самарканд дорилфунунида ўқиган ва бирга урушга кетиб ҳалок бўлган дўстларимнинг табаррук номлари олдида бош эгиб, таъзимда тураман: жиҳазлик Қодиржон Имомов, каттақўрғонлик Бурхон Турсунов, самарқандлик Ҳабиб Юсуфий... Булар элга илк шёрий ижодлари билан танилган, истеъдодли, келажаги ёрқин талабалар, она Ватанга муносиб фарзандлар бўладиган фидойилар эди. Булардан бошқа ҳалок бўлган бекиёс истеъдод соҳиби курсдош дўстларимнинг номларини ҳам яна айтишим мумкин эди.

Лекин, ҳаёлимни бошқа фикр чулғаб олди. Хиёбондаги хотира рўйхатида киритилмаган дўстларим кўз олдимда пайдо бўлди. Мен Тожикистоннинг Нов қишлоғида туғилганман. Бу қишлоқда асосан ўзбеклар яшайди. Уларнинг фарзандлари Ўзбекистон шаҳарларидаги ўрта ва олий босқинчиларда таълим олардилар. Урушдан илгари бир қишлоқдан йиғирма беш бола ўрта мактабни тамомлаб, ўқишни давом эттириш учун Самарқанд олий ўқув юртига йўл олди. Уруш бошланганда, ҳаммамиз фронтга кетдик. Қўлларни ҳалок бўлди: ярадор бўлиб уйга қайтиб келганларни ҳам бор, мен ҳалок бўлган ҳамқишлоқларим номларини шахидлар рўйхатида кўрмаганим учун, уларни эслаб, тилга олгим келди. Биттасининг номини айтиб ўтаман. Исми Атомулло Тошматов, отадан ёш етим қолиб, қийинчиликда ўқиди, ўрта мактабни тамомлаб, 1936 йилда Самарқандда бориб, ЎзДўнинг филология факультетини 1941 йил июнь ойида тамомлаб, дипломини уйда қолдириб, урушга кетди. Бу истеъдодли шoir дўстим 1943 йил кузида Украинанинг Харьков шаҳри яқинидаги шиддатли тўқнашувда қаҳрамонларча жанг қилиб, ҳалок бўлди. У фронтдан синглисига юборган хатида ёвуз душманни тезда енгамиш, уйга қайтиб, мактабда ёш авлодни ўқитиб, уларни Ўзимиздай билимли эл фарзанди қилиб етишти-рамиз деб ёзганди. Ундан шёърлар қолди, хотира қолди.

Шахидлар рўйхатида мен билан бир йўналишда фашист босқинчиларига қарши жангларда пулемётчи бўлиб жасорат кўрсатган атоқли шoir Султон Жўрани эслайман, у билан 1943

МАРДЛАР ДИЛИДА СЎНМАГАН ОЛОВ

йил кузида ва 1944 йил баҳорида Белорусиянинг Гомел областига қарашли Лоевви Речица шаҳарлари ораллигидаги жангларда бирга бўлганман.

Днепр дарёсининг ўнг соҳилида жойлашиб олган босқинчилар билан бир неча кунлик шиддатли олишувлар бўлди. Султон Жўра пулемёти билан доимо олдинги маррада ҳужумда бўлиб, ёвга дахшат соларди. У шундай жанглардан бирида ерга бош қўйди. Пулемётини шериги қўлда тутиб, Султон учун қасос олди.

Султон болаларига ёзган хатларида, айрилиқнинг кўришмоғи бор, жажжи болаларим сизларга бир қуни қайтаман, деб ёзарди. Жангдан қайтиш унга насиб этмади. Унинг хоки Лоев яқинидаги Козероги қишлоғида қолди. Султон Жўра, Атомулло ўз ватанлари, туғилиб ўсган жойлари, оила, авлодлари учун ёпирилиб, Шарққа интилган ёвузлар йўлини тўсиб ҳалок бўлдилар. Уларнинг хоклари хоржий мамлакатларда қолган бўлсада, руҳлари, ниятлари ўз она юртида, мустақил Ўзбекистонимизда, биз билан бирга.

Хотира, мангу олов, машъал у,
Ел эста тебратар сулҳан қўғни.
Ёлсатар дўстларнинг бунда йўғни,
Табаррук изингиз қани, дўстларим.
У ёнқ юзингиз қани, дўстларим,
Қани у дилларга нур берсан дийдор,
Мармар харсанларда бўлибсиз ёдгор!
Самарқанд дорилфунуни филология факультетининг юқори курсида ўқиб, қуйи курсларда

талабаларга ҳозирги замон ўзбек адабиётидан дарс берган жиҳазлик истеъдодли шoir Қодиржон Имомов Волхов frontiда 1943 йил кузида шиддатли жангларда жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлди, унинг хоки Новгород чакалқорлари ботқоғида қолиб кетган.

«Труд» газетасининг 2000 йил 12 апрелдаги

сониде чоп этилган бир мақолада Қодиржон жанг қилиб ҳалок бўлган жойлар дахшати ёзилган: «Новгород заминида дафн этилмаган юз минглаб солдатимиз хоклари бор, дейилади газетда. Волхов дарёси соҳилида Мясной Бор қишлоғи бор. Уни ўлим водийси дейишади. Старая Русса, Парфино, Демьян ерларидаги урушда бир миллиондан ортиқ солдатлар, офицерлар ҳалок бўлган. Улар оқопларда, хандақларда, очик далаalarda, одам ботса чиқолмайдиган ботқоқларда қолиб кетган». Шу ботқоқларнинг бирида Қодиржон ётибди.

Она Ватанимиз, жонажон халқимиз озолиги, бахту саодати йўлида жонини фидо этган яна бир ёзувчимиз Ҳасан Саид душманга қарши ҳаммага кўтарилар экан, «Ватан, сен учун фидойи бу жон» деб ён дафтарига ёзиб қўйди. Бундай она Ватан меҳри, соғинчи билан фронт оқопларида, ҳужум майдонларида қўлга қалам олган ва ҳалок бўлган юртдош биродарлар Талас Нурмухамедов, Зифо Шамсиева, Исожон Юсуфов, Николай Звездин ва бошқа марду майдонларимиздан хотира ёзувлари қолган. Уларнинг жангномалари, дил сўзлари бугунги кунда ҳар бир ватанпарвар фуқароларнинг Ватан қадрига, эркин ҳаёт қадрига етиб, нафас олишларига ундайди. Шахидлар нидоси – тириклар учун ҳаёт бонги эрур.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, ўзбекининг юраги шернинг юраги деб, шиддатли олишувларда жасорат кўрсатган жанговар қуролдош қаламқаш бир неча дўстларимнинг номла-

рини айтиб ўтишни бурчим деб биламан. Уларнинг азиз номларини хотирга келтирамиз. Улар Мамаарасул Бобоев, Мирзақалон Исмоилий, Шароф Рашидов, Зиннат Фатхуллин, Назир Сафаров, Аҳмад Бобоев, Ашурмат Назаров, Султон Акбарий, Шўхрат Алимов, Мумтоз Мухамедов, Ёнғин Мирзо, Аҳхам Ҳамдам, Аҳхам Раҳмат, Зокиржон Обидов, Юсуф Султон, Маъруф Ҳаким, Босит Халил, Тўғон Эрнатар, Рустам Абдурахмонов, Вали Гофуров, Баҳром Раҳмонов... 200га яқин Ўзбекистон ёзувчилари, журналистлари урушда қатнашган. Улардан қўллаб асарлар қолган. Она Ватанимиз ўз мустақиллиги, бахту саодати учун курашган фарзандларини асло унутмайди.

Юртбошимиз, Қуролли Қучларимизнинг Олий Бош Қўмондон Ислам Каримов халқимизга мурожаат қилиб бундай деганлар: «Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шону шавкатини қандай химоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг химоясига тайёр туришимиз даркор».

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимиз курашлар билан қўлга киритилганлигини эслатадилар. Ҳа, бу мустақиллик учун курашда қаттагон қилинган, сургун қилинган, ўз юрти, ўз миллати, ўз халқи учун курашиб нобуд бўлган одамларимизни, иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистонимизни дилларига жо қилиб, ёвуз босқинчиларга қарши мардонавор жанг қилган ва оғир олишувларда ҳалок бўлган бир миллионга яқин шахид, ярадор марду майдонларимизни, уларнинг муқаддас озолиқ орзулари бизларда барҳаёт эканлигини, бугунги бахту саодатимизнинг қадрига етиш учун доимо ҳашў, оғоҳ бўлишимизни асло унутмаймиз. Юртбошимиз «Яратганга шукрона айтиб, тинчликнинг қадрига етишимиз, керак бўлса жонимизни тикиб бўлсада фарзандларимизни, оиламизни, келажагимизни химоя қилишимиз керак» деганлар. Бу қўтлуг сўзлар ҳаётимиз мазмунини тақозо этади, унга амал қилиш уруш қўрган биз фахрийларнинг ҳам, ёшларимизнинг ҳам, умумий бутун халқимизнинг ҳам муқаддас бурчидир.

Хотира ҳаётнинг оғоҳ машъали,
У мардлар дилида сўнмаган олов,
Одамзот яралган эрк, тинч юрғали,
Элар бир-бирига бўлмасилар ёв.
Шахидлар пок руҳи чорлов, онажон,
Йўқ сенсиз ҳаёт, йўқ рўшно жаҳон.

Назармат ЭГАМНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

1	2	3	4	5	6
---	---	---	---	---	---